# XALQ DEPUTATLARI FARG’ONA VILOYATI DANG’ARA TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 9 - avgust VI-59-136-11-155-K/22 Dang‘ara tuman hokimligi

**Данғара тумани ИИБ бошлиғи, 3-сектор рахбари А.Тожиевнинг 2022 йил 6 ойи давомида 3-сектор худудида амалга оширган ишлари юзасидан хисоботи**

Данғара тумани 3-секторда Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, жиноятчилик ва хуқуқбузарликларни олдини олиш борасида 2022 йилнинг 6 ойи давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Данғара тумани 3-сектор рахбари ва туман «Халқ Қабулхонаси» билан хамкорликда жисмоний ва юридик шахсларни муаммоларини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни жойида бартараф этиш юзасидан 3-сектор худудидан жами 31 маротаба “Сайёр қабул” ўтказилди. Ўтказилган Сайёр қабуллар давомида 197 та мурожаатларда 190 та масала бўйича мурожаатлар аниқланди. Шундан 190 та мурожаатлар ижобий ҳал этилди, 49 таси бўйича асослантирилган хуқуқий тушинтириш берилди, 7 та мурожаатлар ҳозирда ўрганиш жараёнида.

Фуқаролар ва тадбиркор томонидан кўтарилган муаммоларни ҳал этиш бўйича тузилган “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлаш ва фуқароларни турмуш тарзини яхшилаш мақсадида мен бошчилигимда 3-сектор ишчи гурухи томонидан 2022 йил 6 ой якуни бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Данғара тумани ИИБ бошлиғи, 3-сектор рахбари А.Тожиев томонидан 2022 йил 6 ойи давомида 3-сектор худудида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботини муҳокама қилиб, “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 24-моддаларига асосан, Халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Данғара туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари А.Тожиевнинг жорий йилнинг 6 ойи давомида сектор ҳудудида олиб борган иш натижалари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Тумандаги 3- сектор раҳбари А.Тожиевга:**

- сектор ҳудудидаги махаллалар фуқаролари ўртасида сайёр қабулларни ташкил қилиш;

- секторда “Темир дафтар”да, оилалар “Аёллар дафтари”да турган аёлларнинг биринчи ва иккинчи гурух ногиронларига, тиббий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож аёлларга алоҳида эътиборда бўлиб, зарур ёрдамларни кўрсатиш;

- “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида иш билан таъминлашда, уларни касб-ҳунарга ўқитиш вазифаси топширилсин.

3. Фарғона вилояти Данғара туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан 2022 йил 2-ярим йилликга мўлжалланган **“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. **Туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Уриновага**:

- туманнинг барча секторларида аҳолини, айниқса ёшларни маънавият-маърифат тадбирларига жалб қилиш, улар ўртасида турли спорт мусобақалари, китобхонлик ва бошқа оммавий тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарор ижросининг назорати халқ депутатлари туман Кенгашининг Махаллий бюджет, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (У.Турдиқулов) ҳамда Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (Р.Якубжанов)лар зиммаларига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **Ш.Тожиҳакимов**

Xalq deputatlari Dang‘ara tuman Kengashining
2022 yil 9 avgustdagi
VI-59-136-11-155-K/22-son qaroriga
1-ilova

# Фарғона вилояти Данғара туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан 2022 йил 2-ярим йилликка мўлжалланган

# "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"

| **Т/р** | **Фуқаролар йиғини номи** | **Чора-тадбирлар номи** | **Амалга ошириш механизми** | **Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи** | **Амалга ошириш муддатлари** | **Масъул ижрочилар** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **3-сектор бўйича** | | | | | | |
| **I. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ногиронлар ва муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш:** | | | | | | |
| 1. | Дастурга киритилган МФЙлар | МФЙлар ҳудудидаги ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш | 1. МФЙ ҳудудидаги ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли моддий ёрдам кўратиш.<br>2. Рўйхатга киритилган оилаларни зарур дори воситалари ногиронлик аравачалари билан таъминлаш.<br>3. Рўйхатга киритилган оилалар билан касаначилик, сартарошлик, қандолатчилик, атторлик,пойабзални таъмирлаш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида асбоб-ускуналар сотиб олиши учун имтиёзли кредитлар олишлари юзасидан суҳбатлар ўтказиш.<br>4. Рўйхат асосида 10 та фуқарога беғараз маиший техника воситалари етказиб бериш.<br>5. Туман жамоатчилик назорати гуруҳи томонидан ушбу чора-тадбирлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш. | - | 31 декабрь кунига қадар | Давлат солиқ инспекцияси (А.Шамсиддинов), Тиббиёт бирлашмаси (А.Жуманов), Туман «Маҳалла хайрия жамоат фонди» фонди рахбари (И.Усмонова), Агробанк туман филиали (С.Юсупов), Махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими (Ж.Жахонбоев), Касаба уюшмалари |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Дастурга киритилган МФЙлар | МФЙлардаги кам таъминланган бемор фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлаш. | 1. Кам таъминланган оила аъзолари бўлган, тиббий кўрик рўйхатига олинган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббиёт бирлашмасида мавжуд дори воситаларини беғараз тўловларсиз ажратиш ҳамда уларни даволаш ишларини амалга ошириш.<br>2. Кам таъминланган санаторияларда бепул даволаниш бўйича ариза билан туман Тиббиёт бирлашмасига мурожаат этган фуқароларни бегиланган тартиблар асосида, касаллик тури бўйича маҳсус даволаш санаторияларига бепул йўлланмалар орқали юбориш. | (вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси маблағлари ҳисобидан) | 31 декабрь кунига қадар | Туман ИИБ (А.Тожиев), туман тиббиёт бирлашмаси (А.Жуманов) |
| 3 | Барча МФЙ лар | Мавсумни беталофат ўтказиш мақсадида оғир касаликка чалинган, кам таъминланган оилалар ва оиласида ногиронлари бор хонадонларга потранаж хамшираларни бириктириш | 1. Оғир касаликка чалинган, кам таъминланган оилалар ва оиласида ногиронлари бор хонадонлар рўйхатларини шакллантириш.<br>2. Ушбу хонадонлардаги беморларни касалик тури бўйича дори-дармон воситалари билан таъминлаш чораларини кўриш<br>3.Ушбу оилалардан доимий хабар олиш мақсадида потранаш хамшираларни бириктириш | 2 млн сўм (туман Соғлиқни сақлаш бўлими маблағлари ҳисобидан) | 31 декабрь кунига қадан | Туман ИИБ, туман тиббиёт бирлашмаси (А.Жуманов) |
| 4 | 3-сектор худудидаги 14 та МФЙлар | МФЙларда кам таъминланган она ва болаларни бепул даволаш ишларини амалга ошириш. | Ушбу МФЙлардаги туман Тиббиёт бирлашмасида мунтазам даволаниш талаб этилган беморлар сифатида рўйхатга олинган<br>4 нафар она ва болаларни "Она бола" санатриясига даволанишга жўнатиш ишларини амалга ошириш. | 2,7 млн сўм (вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси маблағлари ҳисобидан) | 31 декабрь кунига қадар | Туман ИИБ, туман тиббиёт бирлашмаси (А.Жуманов) |
| **II. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш:** | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Дастурга киритилган МФЙлар | Маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик соҳасидаги тажрибасини инобатга олиб томорқа маданиятини ривожлантириш, оилавий бизнесни шакллантириш натижасида фуқароларнинг иқтисодий маданиятини ошириш ва моддий эҳтиёжларини қаноатлантириш орқали фуқаролар ўртасида салбий ҳолатларнинг олдини олишга эришиш. | 1. Ҳудудлардаги ўз бизнесини йўлга қўйган самарали фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирокида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш.<br>2.Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик тажрибасини ошириш мақсадида семинарлар ўтказиш.<br>3. Маҳаллада томорқа маданиятини ошириш мақсадида 12 та оиланинг имтиёзли кредит олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишларини ташкил қилиш. | 25 млн гача миқдорида (тижорат банкларининг кредит маблағлари) МФЙ кафиллиги асосида | 31 декабрь кунига қадар мунтазам равишда | “Давлат хизматлари маркази” (С.Асқаров)<br>Махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими (Ж.Жахонбоев)<br>ИИБ (А.Тожиев),<br>тижорат банклари,<br>МФЙ лар |
| 6. | Барча МФЙ лар | Ҳудуддаги аввал хусусийлаштирилган, ҳозирда бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш | 1. Ҳудудлардаги бўш турган объектларни хатловдан ўтказиш.<br>2. Мулк эгаларини ҳуқуқий ва молиявий қўлаб-қувватлаш орқали ўзларига тегишли объектлардан самарали фойдаланишларига кўмаклашиш.<br>3. самарасиз фойдаланилаётган объектларни ва шу мақсадда ажратилган ер майдонларини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш ва салоҳиятли инвесторга бериш чорасини кўриш. | Банк кредитлари ва ташаббускорларнинг ўз маблағлари | 31 декабрьь кунига қадар | Иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлими (А.Маматқулов),<br>Инвестиция бўлими,<br>Ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати |
| **III. Томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш:** | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7. | Барча МФЙ лар | Маҳалладаги жами 642 гектар томорқа ер майдонига тўлиқ экин экишни, хонадонларнинг камида 15%ига иссиқхона 50%ига томорқа ерларига тўқсонбости экин экишни ташкил этиш. Банклар томонидан берилган имтиёзли кредитлар асосида иссиқхонани қуриш ва томорқа ердан фойдаланиш учун керакли жиҳозлар олинишини ташкил этиш. | 1. Уйма-уй юриб томорқа ерларига тўқсонбости экин экмаган аҳолини аниқлаш.<br>2. Аниқланган аҳолига экин экишни тушунтириш ва экинларни тўлиқ эктириш.<br>3. Томорқасида иссиқхона ташкил этишга хоҳиши бор фуқароларни аниқлаш.<br>4. Иссиқхона ташкил этувчи аҳолига кредит маблағларини олиб беришда кўмаклашиш.<br>5. Томорқадан намунали фойдаланаётган оилаларнинг амалга оширган ишлари бўйича кўргазмали семинарлар ўтказиш.<br>6. Туман жамоатчилик назорати гуруҳлари ва фуқаролар йиғинлари Кенгашлари томонидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш жамоатчилик назоратини амалга ошириш. | энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоригача (тижорат банкларининг кредит маблағлари) МФЙ кафиллиги асосида | 31 декабрь кунига қадар | "Давлат хизматлари маркази" (С.Асқаров)<br>Махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими (Ж.Жахонбоев)<br>тижорат банклари,<br>МФЙ лар |
| **IV. Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш:** | | | | | | |
| 8. | Каттаамиробод, Найманча Катта аравон, Минглар, Қизилмушт, Тарғова МФЙлар | Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш мақсадида аҳолини ушбу йўналишга жалб қилиш | 1. Лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш.<br>2. Лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш.<br>3. Лойиҳа асосида бўш иш ўринларини яратиш.<br>4. Бўш иш ўринларига МФЙ аҳолисини жалб этиш | 80 млн сўм (тумандаги тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига)<br>2 млрд сўм (тумандаги тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига) | 31 декабрь кунига қадар | Давлат солиқ инспекцияси (А.Шамсиддинов), туман «Маҳалла хайрия жамоат фонди» фонди рахбари (И.Усмонова)<br>Агробанк (С.Юсупов),<br>Халқ банки<br>Махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими (Ж.Жахонбоев) |
| 9. | Бойбўта МФЙ | Худуддаги паррандачилик ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларини ўрганиш ва ривожлантириш | Бой-бўта МФЙдаги мавжуд паррандачилик ва чорвачилик йўналишидаги мавжуд фермер ва дехқон хўжаликларини хатловдан ўтказиб, улардаги парранда ва қорамол бош сонни аниқлаш ҳамда уларни кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш. | Молиялаштириш манбалари шакллантириладиган лойиҳалар асосида аниқланади | 20 июль | Халқ банкининг туман филиали<br>Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер егалари кенгаши |
| **V. Аҳолининг уй-жой ва коммунал шароитларини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш:** | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 10. | Рахматулло МФЙ | МФЙ худудидаги 4 та 2 қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш | 1. МФЙ ҳудудида 4 та 2 қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш.<br>2. 4 та кўп қаватли уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмаларни бузиш.<br>3. МФЙ ҳудудида 1 та болалар майдончаларини ташкил этиш.<br>5. Электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сув билан узлуксиз таъминлаш | Смета асосида (Халқ банки ва Агробанкнинг туман филиаллари кредит маблағлари, маҳаллий бюджет, ташаббускор ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан) | 20 июнга қадар | Туман ҳокими ўринбосари (Т.Салимов), Агробанк (С.Юсупов), Қурилиш ва архитектура бўлими, Ободонлаштириш бошқармаси, Молия бўлими. |
| 11 | Барча МФЙ лар | 285 нафар кам таъминланган, шароити оғир фуқароларни яшаш шароитини, уй-жойини холати, газ баллон ёки табиий газ билан таъминланганлиги | 1. Ушбу оилаларни қайтадан ўрганиб чиқш ва эхтиёжини аниқлаш<br>2. Эхтиёж бўйича газ ёки кўмир етказиб бериш чораларини кўриш | Давлат бюджетидан | 20 сентябрьга қадар | Туман ҳокими ўринбосари (Т.Салимов), Қурилиш ва архитектура бўлими, Ободонлаштириш бошқармаси, |
| 12 | Катта Аравон МФЙ, Қизилмушт МФЙ, Ғалаба МФЙ, Қашқар МФЙ, Тангриқул МФЙ, Катта Амиробод МФЙ, Янгизамон МФЙ | Яшаш уйи таъмирга мухтож бўлган 7 нафар кам таъминланган, шароити оғир фуқароларни яшаш уйларини таъмирлаш | | касаба уюшмаси 70 млн | 2022 йил августь | Ишчи гурух аъзолари, Туман агросаноат мажмуаларини касаба уюшмаси (М.Қурбонов) |
| **VI. Ижтимоий объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, йўл, электр энергияси, газ, сув ва иссиқлик таъминоти қувурларини таъмирлаш** | | | | | | |
| 13. | 3-сектор худудида жойлашган барча МФЙлар | Ҳудуддаги трансформаторни таъмирлаш ишларини якунлаш | 1. Трансфарматорни носоз қисмини аниқлаш.<br>2. Ижро учун маъсулларни бириктириш ва таъмирлаш ишларини якунлаш | Ўзбекэнерго АК | 2022 йил июль | Электр тармоқлари корхонаси (С.Рахмонов) |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 14. | Сектор худудидаги барча МФЙ лар | Электр симларини, таянчлар ва трансфарматорларни куз-қиш мавсумига яроқлилигини ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида уларни таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш чораларини кўриш. | 1. Трансфарматорни носоз қисмини аниқлаш.<br>2. Ижро учун маъсулларни бириктириш ва таъмирлаш ишларини якунлаш | Ўзбекэнерго АК | 2022 йил июль | Электр тармоқлари корхонаси (С.Рахмонов) |
| 15. | Дастурга киритлган МФЙ МФЙлар | МФЙлар худудидаги 8 та кўчаларни 1,2 км исмини асфалт қилиш. | 1. Мфйлардаги кўчаларни ўрганиб, неча км шағаллаш хамда астфалт зарурлигини ўрганиб чиқиш.<br>2. МФЙлар худудидаги 8 та кўчаларни 1,2 км исмини асфалт қилиш қисмини асфалт қилиш. | 180 млн. сўм (Республика йўл жамғармаси фонди ҳисобидан) | 3-чорак даавомида | Туман йўл бўлими (З.Назиров),<br>Ободонлаштириш бошқармаси |
| | 23 та ижтимоий соха объектлари | Сектор худудида жойлашган 10 та мактаб, 8 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та тиббиёт муассасаси, 2 та хасб-хунар коллежларини тозалиги, жихозланиши, бинони умумий холатини, куз-қиш мавсумига тайёргарлигини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чораларини кўриш. | 1.<br>Камчиликларни аниқлаш.<br>2.<br>Жойида бартараф этиш. | Алохида дастурга асосан | 20 июльга қадар | Ишчи гурух аъзолари, туман хокими ўринбосари (Т.Салимов) |
| **VII. Аҳоли, шу жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш:** | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 16. | Барча махаллалар | Жиноятчилик ва хуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида ахоли ўртасида учрашувлар ўтказиш, содир этилган ноқонуний хатти-харакатидан келиб чиқиши мумкин бўлган хуқуқий оқибатларини тушинтириш, уларда жиноятчиликка қарши муросасиз курашиш туйғуларини шакллантириш. | 1. Жиноятлар кўп содир этилаётган худуларни тахлил қилиш.<br>2. Туман жамоатчилик назорати гуруҳлари ва фуқаролар йиғинлари Кенгашлари томонидан маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни, таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш. | - | 3-чорак давомида | Туман ҳокимининг ўринбосари (Ш.Уринова)<br>Ёшлар агентлиги туман бўлими<br>Махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими (Ж.Жахонбоев), Туман «Маҳалла хайрия жамоат фонди» фонди рахбари (И.Усмонова)<br>Тиббиёт бирлашмаси (А.Жуманов)<br>МФЙ лари |
| 17. | Барча махаллалар | Содир этилган жиноятларни ахоли ўртасида мухокама қилиш, жиноят содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўрганиш, содир этилган жиноятларда жабрланувчини ролини ўрганиш ва ахолига тушинтириш. | 1. жиноят содир этилган худуларда | - | Мунтазам | Туман ИИБ (А.Тожиев),<br>Ёшлар агентлиги (Л.Хидиров) |
| 18. | Найманча, Ғалаба МФЙлар | Вояга етмаган ёшлар томонидан хуқуқбузарликларни содир этилиши олдини олиш. | 1. Худуддаги вояга етмаган ёшларни бўш ватларини мазмунли ўтказиш бўйича мактабларда спорт, уларни қизиқтирга йўналишлар бўйича тажрибали мутахассислар томонидан тўгараклар очилишини таъминлаш.<br>2. Дарсдан сўнг ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш учун “Заковат” ўйинларини ташкиллаш. | | Доимий | Ёшлар агентлиги (Л.Хидиров),<br>ХТБ (А.Содиқов). |
| **VIII.** **Бошқа масалалар** | | | | | | |
| 19. | Аравон МФЙ | Давлат дастури асосида МТМ қуриш ва ишга тушириш | 1.МТП қуриш учун жони аниқлаш. Қурилиш ишларини сифатли бажарилишини назорат қилиш | Бюджет | 2022 йил июль | Туман ҳокимлиги, МТМ бўлими |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 20. | Тарғова,<br>Катта Амиробод,<br>Катта Аравон | Давлат-хусусий шериклик асосида МТМ лар фаолиятини йўлга қўйиш | 1. Давлат-Хусусий шериклик асосида МТМ лар ташкил этиш таклифини тайёрлаш<br>2. Объектларни тадбиркорларга тарғиб қилиш<br>3. Тадбиркорларга объектларни бириктириб бериш ва МТМ ташкил этиш ишларига кўмаклашиш | Лойиҳа эгалари,<br>Банк кредитлари | 2022 йил июль | Туман ҳокимлиги,<br>Мактабгача таълим бўлими, |